



**Иқтисодий ривожланиш
ижтимоий муаммолар
ечимидир**

2-с.

**Аҳиллик бор, оқибат устун
жойда барака ёғилади**

Кўп қаватли уйлар жойлашган йўл бўйига энгил
конструкцияли дўконлар қуриш керак.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил
17 МАЙ,
ШАНБА**

Маҳалла

**№41
(2265)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

**БУГУНГИ
СОНДА:**

Ёшлар ташаббуси ҳар жойда ғолиб!

“Кредит пуллари нақд шаклда берилмагани, маҳсулотлар таъминотчилар орқали олиниши тўғрисида уларни 15 фоиз қимматроққа сотиб олишга мажбур бўляпти. Тақлим шуки, кредитларнинг ҳеч бўлмаганда 25 миллион сўми нақд пул шаклида берилса, бу маблағни ёшлар тўғрисида самарали сарфларди”.

4-с.

“Радар” йўл белгисининг ўрнатилиши мажбурий бўлади

Соат 23:00 дан 06:00 га қадар йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат берилди. “А” ҳарфи тасмаларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ҳозирда тақиқланган.

5-с.

Ҳаёт учун ташланган қадам муштақкам ва барқарордир

“Ижтимоий ҳодим сифатида иш бошлашимдан аввал банк тизимида фаолият юритганман. У ерда ҳам халқ билан суҳбатдош бўлиб, қўлимиздан келганча ёрдам кўрсатганмиз. Лекин хонадонларга кириб бориш орқали ўзим учун кўп нарсаларни ўргандим”.

6-с.

Оила бағридалиги боланинг бахти бўлар...

Кичик ҳажмли болалар уйда тарбияланувчилар сони кўпи билан 9-10 нафар бўлиб, кун давомида тарбиячилар улар билан бирга бўлишади. Бу ерда ҳар бир болага индивидуал ёндашиш ҳамда меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш билан бирга, оила муҳитида улғайиш ва оилавий қадриятлар асосида тарбияланиш имконияти яратилмоқда.

7-с.

101 та “оғир” маҳалла фаровонлик касб этади

Ўзбекистон маҳалла-лари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигида Республика ишчи гуруҳи Жиззах вилоятида ўрганишлар олиб борди.

Тўман ва шаҳарларда фуқаролар қабулларини ўтказиш, 101 та “оғир” тоифадаги маҳалла муаммоларини бартараф этиш дастурлари ижросини ўрганиш, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлаш, доимий равишда меҳнат ярмаркаларини ташкил қилиб боришга кўмаклашиш Ишчи гуруҳнинг фаолият йўналишлари сифатида белгиланди. Ишчи гуруҳ Пахтакор туманидаги “Дилором” маҳалласида бўлди. Айтиш жоизки, мазкур маҳалла Уюшма раисининг



доимий эътиборида. “Дилором” маҳалласи инфратузилмасини яхшилаш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилди. Хусусан, 59 та кўп қаватли уйнинг атрофига 26 та тандирхона, 12 та болалар майдончаси қуриб берилди. 1,3 километр канализация тармоғи тортилди. 34 та уйнинг фасад қисми таъмирланди. Зарбдор кўчасига 400 метр ичимлик сув тармоғи тортилди. 1500 метр газ қувурлари таъмирланиб, бўёқланди, икки дона газ

таксимлаш ускунаси янгидан ўрнатилди. Маҳалладаги 81 дона бетон таянч устунлар янгисига алмаштирилди ва 500 метр СИП кабеллари тортилди. Кўчаларнинг 400 метр қисмига тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Ташриф давомида амалга оширилган ишлар кўздан кечирилиб, мутасаддиларга келгусида маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб берилди.



ТОМОРҚАЧИЛИКНИ ЎРГАТГАН ҲАМ, ЎРГАНГАН ҲАМ РАҒБАТ ОЛАДИ

Ҳукумат қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан грант, субсидия, кредит ва лизинг ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Низомга кўра, қуйидагилар жамғарма ҳисобидан **моллий қўллаб-қувватлаш турлари** ҳисобланади:

- ҳар йили **500 та маҳаллада** биттадан аҳоли томорқасида амалга оширилган энг намунали ва инновация лойиҳа учун – **БХМнинг 100 бараваридан ошмаган миқдорда грантлар ажратиш;**
- уста деҳқонлар томонидан қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун – ҳар бир курсга **БХМнинг**

15 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

- **муайян маҳалладаги 50 фоиз** хонадоннинг томорқасида экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста деҳқонларга – **100 миллион сўмгача** субсидия ажратиш;
- **маҳаллаларда ҳар йили 500 тагача** намунали хонадон томорқасини ташкил этиш учун – хонадон эгасига **БХМнинг 100 бараваригача** миқдорда субсидия ажратиш;
- **йилга 1 300 тагача** камбағал оила хонадонининг кўча ички томорқасида узумчилик (ток сўриси) ташкил

этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун – **БХМнинг 20 бараваригача** миқдорда субсидия ажратиш.

Худудий меҳнат органи “**маҳалла еттилиги**” томонидан ўтказилган хатлов натижаларига кўра аниқланган уста деҳқонлар билан маҳалланинг 50 фоиз хонадонлари томорқасида экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйишни ўрганиб чиқади. Вазирлик ўн иш кунда тақлифларни ўрганиб, **маҳалланинг 50 фоиз хонадони** томорқасида экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўядиган уста деҳқонларни танлайди.

БЕКОРЧИЛИК — БЕҲУДА УМР, ЭНГ ЁМОНИ, МОЖАРОЛАР МАКОНИДИР



“Хавфсиз оила” тамойили ҳар бир маҳаллада қарор топади

“Криминологиянинг долзарб масалалари: “Хавфсиз оила” тамойилини амалга оширишда маҳалла ва хотин-қизлар фаолиятининг криминология жиҳатлари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Анжуман Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Криминология тадқиқот институти, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Конференцияда маҳаллаларда ташкил этилган ижтимоий профилактика тизимининг самарадорлигини ошириш,



оила муносабатларидаги зўравонлик жиноятлари содир этилиши, сабаб ва оқибатлари ҳамда мазкур жиноятларнинг барвақт олдини олиш муаммолари ўрганилди. Низоли оилалар билан ишлашда “еттилик” олдида турган долзарб вазифалар муҳо-

камалар марказида бўлди. Шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилигининг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, натижаларни мамлакатимизда жорий этиш бўйича тақлиф, тавсиялар тайёрлашга келишиб олинди. Яқунда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Криминология тадқиқот институти, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

ЖАРАЁН

БОЛАНИ НЕЧА ЁШДА СПОРТ ТЎГАРАГИГА БЕРИШ МУМКИН?





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Президентимиз Тошкентдаги шаҳарсозлик ва инвестициялар бўйича РЕЖАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ.



Давлатимиз раҳбарига Ўзбекистоннинг ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга оид тақдимот қилинди.

ТАКЛИФ

“ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ИМКОНИЯТИ БОР”

Маҳалламизда 2,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда 6 та ижтимоий соҳа объекти, яъни иккита мактабгача таълим муассасаси, учта умумтаълим мактаби, оилавий поликлиника фаолият олиб боради. Шунингдек, 12 та тadbиркорлик субъекти мавжуд.



Акбарали МИРОЛИМОВ, Охангарон туманидаги “Гулбод” маҳалласи раиси.

Ў

сиш нуқтамиз асосида 5 та йирик чорвачилик фермер хўжалиги ташкил этилган. Жорий йил бошида “Ўз-брикс” гишт заводи иш бошлаши натижасида 100 та иш ўрни яратилди. Бунинг натижасида ўтган даврда 200 нафарга яқин ишсиз фуқарони доимий иш билан таъминлашга эришдик.

Ўтказилган сўровлар давомида аниқланган маълумотларга кўра, маҳалла ривожининг асосий “драйвер”и ва устувор вазифалари белгилаб олинди. Бунинг учун мавжуд инфратузилма ва имкониятлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар асосида ўсиш нуқта сифатида хизмат кўрсатиш, чорвачилик соҳалари танлаб олинди.

2024 йилда маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли билан олиб борилган ишлар натижасида жиноятчиликдан холи худудга айландик. Миграциядагилар билан ишлашда ҳафтанинг пайшанба кунини “маҳалла етилиги” иштирокида онлайн мулоқот ўтказишни йўлга қўйганмиз. Мисол учун, рўйхатга олинган 8 нафар фуқаро билан мулоқотга киришиб, 6 нафарининг ватанга қайтишига эришдик. Уларни доимий иш билан банд қилдик.

Инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда аҳоли бирдамлиги, ташаббускорлиги кўл келмоқда. Tadbirkor Сардор Исроилов кўмаги билан Тошсой кишлоғининг 6,5 км. ички йўли асфальтланди. Бу хайрли ишга Абдуматал Ҳақиров 100 миллион сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари, давлат дастури асосида Ёшлик кўчасида 220 метр тик кудук қазилиб, 1 300 метр тармоқ тортилди. Шунингдек, хашар йўли билан Тинчлик кўчасига 1 700 метр оқова сув тармоғи олиб келинди. Истиқбол, Истиклол кўчаларидаги эски симёғочлар ўрнига 300 та бетон таянч ўрнатилиши натижасида электр таъминоти яхшиланди.

Тажрибам асосида янада кўпроқ иш ўрни яратиш таклифини ишлаб чиқдик. Юқорида қайд этганимдек, ўсиш нуқтамиз — чорвачилик. Аммо чорва хайвонларининг териси ва жуни исроф бўляпти. Шунинг учун маҳаллада тери ва жуни қайта ишлаш корхонаси ташкил этилса, янги иш ўринлари яратилади.

Муаммолар жойида ҳал этилди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Форинс тумани бўлими ташаббуси билан Мусоқул Оролов номидаги маҳаллада фуқаролар учун сайёр қабул ўтказилди.

— Бугунги кунда халқ билан учрашиб, уларнинг дардига қулоқ тутиш, шу орқали аҳоли розилигига эришиш ҳар бир раҳбарнинг кундалик вазифасига айланган, — дейди маҳалла раиси Шавкат Ражабов. — Эътиборлиси, энди одамлар муаммосига ечим излаб, ташкилотма-ташкilot юрмаяпти. Маҳалламизда ташкил этилган қабулда ҳам жами



22 нафар фуқаронинг муурожаати кўриб чиқилди. Унда табиий газ, электр таъминотини яхшилаш, пиедалар йўлаги бунёд этишда кўмаклашиш каби муаммолар масалаларга ечим топилди. Эътиборлиси, қабулда 15 та масала ижобий ҳал этилди. Қолган 7 таси ижро учун ташкилотларга юборилди.

НИГОҲ

Иқтисодий ривожланиш ижтимоий муаммолар ечимидир



Жаҳонгир АБРОРОВ, Кўштепа туманидаги “Сармазор” маҳалласи раиси.

С айхунбод, Уйчи, Зарбдор, Ғиждувон туманлари тажрибалари асосида тadbиркорликни ривожлантириш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришга эътибор қаратилмоқда. “Маҳалла етилиги” ходимлари ва аҳолининг бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилаётгани натижасида ишсизликдан холи худудга айландик. 2025 йил бошида худудимиз-

ди. Ҳозирда жами ишчилар 300 нафардан ортик. Яна бир ишлаб чиқариш корхонаси — “MP Текс” масъулияти чекланган жамияти бугун нафақат сармозорлик ишсиз аёлларни, балки Олтиариқ, Ёзёвон ҳамда марғилонлик хотин-қизларни ҳам иш билан таъминлаган. Лойиҳа қиймати 8 миллиард сўм бўлган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида 120 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан банд. Бу ерда 20 дан ортик турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиб, янши даромад топаётган миришкорлар кўпчилигини ташкил этади.



даги ҳар бир хонадонни хатловдан ўтказдик. Бу жараёнда 112 нафар ишсиз фуқаро аниқланди. Маҳалла фуқаролар йиғинини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш мақсадида 50 та микро ва макро лойиҳа ишлаб чиқилди. Бугунги кунга келиб, ушбу лойиҳаларнинг 37 таси ишга туширилди. Натижада нафақат худудимиз, балки бизга яқин маҳаллалар аҳолисини иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлдик. Энг йирик ишлаб чиқариш корхоналардан бири — “Шарқ Равон” масъулияти чекланган жамиятида 100 хил турдаги оёқ кийим ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар “AZMARO” бренди остида дунё бозорида сотилмоқда. Корхонанинг лойиҳа қиймати 60 миллиард сўм бўлиб, фаолиятини такомиллаштириши натижасида 143 та янги иш ўрни яратил-

ди. Улардан бири Одилжон Ғозиев лойиҳа қиймати 2 миллиард сўм бўлган замонавий иссиқхона ташкил қилган. У “Черри” ва “Пикпарадайс” нави помидор етиштирмоқда. 15 та янги иш ўрни яратган. Дастлаб 6 сотих ерда иш бошлаган бўлса, бугун экин майдони 1,5 гектарга етди. Шунингдек, худуддаги “Натурал Милк Водий” хусусий корхонаси томонидан “Боярин” бренди остида сутни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилиб, 10 та янги иш ўрни яратилди. Корхона фермер хўжаликлари ва маҳаллий аҳолидан сут ва сут маҳсулотларини сотиб олиб, қайта ишлаяпти. Маҳсулотлар мактабгача таълим ташкилотлари ва ички бозорга етказиб берилади. “Малика по-йабзаллари” хусусий корхонасида 40 киши иш билан таъминланган бўлса, “Замин Барака” хусусий корхонасида 25 та

“

Маҳаллада 6 585 нафар аҳоли яшайди. Асосий ўсиш нуқтамиз — хизмат кўрсатиш, тadbиркорлик, деҳқончилик ва хунармандчилик.

иш ўрни яратилган. Худуднинг иқтисодий имконияти ошгани сари ижтимоий муаммолар ҳам ечим топмоқда. Масалан, жами 12 та кўча бўлиб, ички йўллар ачинарли аҳволда эди. Бу ерда истиқомат қилувчилар қишда лой, ёзда чанг кечишга мажбур бўларди. Ниҳоят, аҳолининг узок йиллик орзуси амалга ошириб, Жаҳон банкининг “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида маблағ ажратилди. Маҳалла фаоллари, хомийлар иштирокида ўтган уч йилда 20 км. масофадаги ички кўча асфальтланганди. Аммо қолган 15 км. йўллар эътиборга муҳтож эди. Хушxabар барчамизни қувонтирди. Айни пайтда

БУНЁДҚОРЛИК

ХОНАДОНЛАРГА ИЧИМЛИК СУВ КЕЛДИ

Поп туманидаги “Водий” маҳалласининг узок йиллик муаммосига ечим топилди.



Гап шундаки, Жаҳон банки маблағи эвазига худудга тоза ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари бошланди. — Маҳаллада 3 452 нафар аҳоли яшайди, — дейди маҳалла раиси Дилфуза Довилова. — 10 та кўча мавжуд бўлиб, туманнинг энг олис худудида жойлашганмиз. Узок йиллардан бери аҳолини ичимлик сув билан боғлиқ муаммо қийнаб келарди. Бугун худуд йирик бунёдқорлик майдонига айланган. Жаҳон банки томонидан ажратилган 4 миллиард 156 миллион сўм маблағ эвазига 23,8 км. узунликдаги тоза ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, яқин кунларда маҳалланинг 6 км. узунликдаги 7 та кўчасида асфальтлаш ишлари бошланади. Бу эса нафақат қулайлик, балки хавфсизлик ва тараққиётни ҳам олиб келди. Аҳамиятлиси, лойиҳа доирасида Наманган вилоятининг яна бир қатор маҳаллаларида бу каби бунёдқорликлар давом этмоқда. Жами объектлар сони 272 та бўлиб, шундан 38 таси мактаб, 16 таси мактабгача таълим ташкилоти, 4 та тиббиёт муассасаси, 102 та йўл инфратузилмасини яхшилаш, 12 таси ичимлик сув билан боғлиқ таклифлардир.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

АРИЗА ИНСОН ОМИЛИСИЗ ТЕКШИРИЛАДИ

Маълумки, тегишли тартибга кўра, фуқароларга уй-жой шароитини яхшилаш учун имтиёзли кредит ажратилиш белгиланган. Қонунчиликка кўра, берилган ариза инсон омилсиз текширилади.

Скоринг тизими 5 та йўналишда аризани кўриб чиқади. Булар — аризачининг яшаш манзили 6 ой давомида ўзгармагани, муқаддам ушбу кредитдан фойдаланмагани, “Камбағал оилалар реестри”га киритилгани, уй-жой шароитини яхшилаш бўйича ҳоким ёрдамчиси томонидан хизмат бириктирилгани ва кадастр маълумотларини тўғри шакллантирилгани. Мазкур 5 та йўналиш скорингдан ижобий ўтгач, “маҳалла етилиги” томонидан аризачига тавсия берилиши мумкин.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



Президент қарорига кўра, чорвачиликнинг СЎТЧИЛИК ТАРМОҒИ жадал ривожлантирилади.



Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тақдим этувчи айрим хизматлар ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА кўрсатилади.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ билан Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинди.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Аҳиллик бор, оқибат устун жойда барака ёғилади



“Таклифим, кўп қаватли уйлар жойлашган йўл бўйига энгил конструкцияли дўконлар қуриш керак. Бу орқали юзлаб иш ўринлари яратилади. Шаҳар ҳокимлиги бу ташаббусимизни маъқуллади. Агар лойиҳа амалга ошса, 150 та иш ўрни яратилади.

“Маҳалла еттилиги” тизими йўлга қўйилгач, барча масалалар билан шуғулланишга масъуллар белгиланди. Жумладан, ҳоким ёрдамчилари зиммасидаги муҳим вазифа — ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш ҳисобланади.

Раҳматжон ИСМОИЛОВ, Жиззах шаҳридаги “Олмасор” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламизда бу борада яхши натижа қайд этяпмиз. Аммо тажрибада айрим тўсиқларга дуч келяпмиз. Оз бўлса-да, боқимандалик, дангасалик кайфиятидаги одамлар учраётди. Шу тоифадагилар билан алоҳида иш олиб бораёلمиз. Мисол учун, иш йўқ, ёрдам беринг, деб келган мурожаатчилар хонадонига бориб, туморқасидан фойдаланиш имконияти тушунириляпти. Шу йўналишда турмушини фаровонлигига эришган маҳалладошлар тажрибаси таништириляпти.

Шу боис томорқачилик оммалашди. Айни пайтда 26 гектар томорқа ерларнинг 21 гектарига полиз ва сабзавот экинлари экилди. Бу жараёнда ҳар қарич майдондан унумли фойдаланишга интиляпмиз. Мисол учун, тижорат банклари ҳомийлигида 100 та оила танлаб олинди, 10 тадан жайдари товук, уларга тайёр катак етказиб берилди. 7 та оилага чорва, асалари боқиси ва иссиқхона қуриш учун 100 млн. сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. Бу қўшимча иш ўринларини яратиш имконини берди. Хайрли ишлардан маҳалла тадбиркорлари четда тургани йўқ.

Муваффақиятли фаолият кўрсатаётган учта тадбиркорлик субъекти лидер тадбиркор сифатида оилаларга бириктирилди. Масалан, тикувчиликка ихтисослашган Дилафруз Икромова 30 та оиладаги хотин-қизларга иш ўргатиб, касаначилик ташкил этишга киришган. Умид Турсунматов мебелсозлик, Сувокул Икромов иссиқхона қуриш ва уларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш сирларини ўргатяпти.

“Обод маҳалла” дастури асосида худудимизда катта ишлар амалга оширилди. Маҳалла ташкил бўлгандан буён текисланмаган кўчаларга асфальт ётқизилди. Эски симёчлар янгисига алмаштирилди. Трансформаторлар таъмирланди. Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет”нинг йўлга қўйилиши билан бу ишларда аҳолининг ташаббуси ва фаол иштироки ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Раҳбарлар ҳам худуд ривожини билан боғлиқ режаларни уларнинг фикри асосида, бамаънафит тузаяпти. Бундай муносабат давлат ҳокимияти органлари ва

ҳалқ ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаб, муаммо ва масалаларга ўз вақтида ечим топишга хизмат қиляпти. Дарҳақиқат, умумманфаатига хизмат қиладиган ишлар ҳамжихатликда бажарилса, одамларни бир-бирига яқинлаштириши, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Аҳиллик бор, оқибат устун бўлган жойга барака ёғилади. Маҳалламиздаги улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бунга ёрдамчи бўлиб, “Олмасор сити” номи билан машҳур турар жой мавзеси барпо этилди. Жами 38 та бино қурилган бўлса, унинг 5 таси 16 қаватли осмонўпар бинолар.

Бу, албатта, аҳоли сонининг кескин ошишига олиб келди. Раисимиз Норбуви Шамсиева бошчилигида худудни ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш, тозаланиш сақлаш чоралари кўриляпти. Тадбиркорлик қилишни истаган 18 нафар фуқарога кўп қаватли уйларнинг ертўласидан жой ажратилди. Улар тадбиркорлик фаолиятини олиб бораёпти.

Худудда янги мактаб қуриб, ишга туширилди. Мактаб ёшигача бўлган болалар таълим-тарбиясини йўлга қўйиш учун 10 та давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилиб, 30 та янги иш ўрни яратилди. Маҳалла аҳил. Қандай иш бўлишидан қатъи назар, ёшу қари ҳашарга чиқади. Шу сабабли ҳар бир мавсумда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида олмасорликлар енг шимариб иштирок этмоқда. Баҳорги мавсумда кўчаларга 2 050 туп даррахт кўчатлари экилди.

Худудга хос муаммо — тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ер сўраб келганларга ижобий жавоб бера олмаёلمиз. Сабаби — бўш майдон йўқ. Шу боис, кўп қаватли уйларнинг ертўласини ижара асосида фойдаланишга бериш лозим.



ТОМОРҚА МАКТАБИ

ДАРАХТЛАРНИ ТЎҒРИ ЭКИШ УСУЛИ ҚАНДАЙ?

Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили “Яшил макон” лойиҳаси доирасида даррахт экиш ишлари амалга оширилади. Бунинг натижасида худудлар яшилликка бурканиб, иқлим мўътадиллиги таъминланмоқда. Бироқ айрим ҳолатларда экилган даррахтлар яхши ривожланмай, нобуд бўлиши кузатишмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада? Даррахтларнинг тўғри экиш усули қандай? Қуйида мана шу каби саволларга жавоб излаймиз.

Шухрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Агар кўчатнинг намлиги камайиб қолган бўлса, хужайраларни меъёрга келтириш учун 1-2 кун сувга солиб қўйилади. Ўтказиш олдида илдирилган суюқ лойга ботириб олинади. Бу қуриб қолишдан сақлайди. Кўчатни чуқурга қўйишдан олдин, ўртасига озгина тупроқ солиб, дўнгча ҳосил қилинади. Сўнгра кўчат атрофига бир текисда



резгликдан кейин ноябрь ойи бошларида, қора совуқ тушганига қадар давом этади. Баҳорда кўчатлар кўртак ёзунга қадар тупроқнинг ҳолати ва жойнинг иқлим шароитига қараб, яъни жанубий худудларда 20-25-мартга, шимолий худудларда 10-15-апрелгача ўтказилади.

Кўзда ўтказиш баҳордагидан кўра қулай. Чунки бу давр узоқроқ давом этади. Шунингдек, ҳарорат 0° даражадан юқори ва ер музламаган бўлса, қишда ҳам кўчат ўтказиш мумкин. Боғ барпо қилишда фақат талабга жавоб берадиган соғлом кўчатларгина экилади. Қасалланган, шиканган кўчатлар яроқсиз ҳисобланади.

Ўтказиш майдонига олиб келинган, илдирилган вақтинча бўлса ҳам очик қолдирмаслик, келтирилган заҳоти нам тупроққа кўмиб қўйиш лозим. Ташиган вақтда илдиришга нам брезент ёки похол ёпиб қўйилади. Узоқ масофага усти берк транспорт воситаларида ташиган маъкул.

тупроқ ташланади. Жараёнда камида 2 киши бўлиб ишлаш керак. Шунда тадбир тўғри ва қулай амалга ошади. Бир киши илдирилган ёпиб, тўпланиб ёки букилиб қолмаслигини назорат қилса, иккинчи киши тупроқ билан кўмади. Оғир тупроқли майдонларда илдириш ер юзидан 5-6 см., энгил тупроқли майдонларда 4-5 см. юқори қилиб қўйилади. Сабаби кўчат суғорилиб, тупроқ ўтиргандан кейин илдириш бўғзи ер сатҳи билан барабар бўлиб қолади. Агар илдириш бўғзи ер сатҳидан чуқурроқ кўмиладиган бўлса, суғоришдан кейин тана пўстлоғи чириб кетиши мумкин. Бундай даррахтлар узоқ яшамайди, яхши ўсмайди, кам ҳосил беради. Биринчи суғоришдан сўнг боғдаги кўчатларни тўғрилиги кўриб чиқилади. Чунки суғоришдан кейин тупроқ ўрнашиб кўчат қийшайиб қолган бўлиши мумкин. Ёки суғоришдан сўнг кучли шамол эсган бўлса, қийшайган кўчатлар тўғрилаб чиқилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ХОДИМДАН ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ҚАЧОН ОЛИБ ТАШЛАНАДИ?

Нафиса АҲМАДЖОНОВА, Чирчиқ шаҳри:

— Агар ходимга 30 фойз жарима интизомий жазоси белгиланган бўлса, шу сума ҳар ойда ойликдан ушлаб қолинадими? Жарима қандай ҳисобланади?



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ хукуқшуноси:

— Йўқ, жарима фақат бир марта белгиланади. Яъни, сума ҳар ойда қайтадан ушланмайди. Бу жараёнинг таъсири 1 йилгача давом этади.

Меҳнат кодексининг 315-моддасига кўра, интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб, 1 йилдан ошмаслиги керак. Агар ушбу муддат давомида ходимга яна интизомий жазо қўлланмаса, жазо бекор қилинади. Демак, сизга жарима бир марта берилди, унинг таъсири 1 йил давомида сақланади.

Иш берувчи ходимнинг илтимосига ёки меҳнат жамоаси ҳамда раҳбарнинг тақлифига асосан, интизомий жазони бир йилдан олдин олиб ташлашга ҳақли. Қонунчиликка кўра, жазо олиб ташланиши учун минимал муддат белгиланган талаб қилинмайди. Яъни жарима қўлланилгандан сўнг бир неча кун ичيدا ҳам олиб ташланиши мумкин.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Маҳалла сервис компанияси” янги бинода иш бошлади

Янгиқўрғон туманидаги “Бўстон” маҳалласида “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ижроси доирасида “Маҳалла сервис компанияси” учун бино қуриб битказилди.

— Айтиш керакки, маҳаллалар ободлигини таъминлаш, уларни сақлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг янги тизимларини жорий қилиш аҳоли ва коммунал хизмат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси раҳбари И.Икромов. — Мазкур муассаса 76 миллион сўмдан орტიқ маблағ эвазига 13 турдаги замонавий асбоб-ускуна билан таъминланди. Янги ташкилотда 23 турдаги хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, 6 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Замонавий кўриниш-

Шунингдек, Уйчи туманидаги “Пастгузар” маҳалласида ҳам “Уйчи туман маҳалла сервис компанияси” масъулияти чекланган жамияти йўлга қўйилди. Белгиланган 23 турдаги йўналишда хизмат кўрсатиш учун 67 265 500 сўм маблағ эвазига 12 турдаги асбоб-ускуна олиб келинди. Ҳозирда 8 нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди.



га эга ва кўп функцияли бўлган мазкур бинонинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари, Ўзбекистон маҳаллалари

уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси ходимлари, “Маҳалла еттилиги” ҳамда фаоллар ва нурунийлар иштирок этди.



Ўзбекистонда ҳар йили 3 минг ўқувчи танланиб, Гарвард, Йель, Колумбия каби ОЛИЙГОҲЛАРГА ТАЙЁРЛАНАДИ.



Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти **ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИНИБ**, унинг 13 та худудий маркази қайта ташкил этилади.



Ўзбекистонда болаларга машина бошқаришни берганлик учун **ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ**.

ИМКОНИЯТ

Ёз – фақат дам олиш эмас, ривожланиш фасли!

Мана, ёз ҳам яқинлашиб қолди. Ўқув машғулоти яқунланаётган бу кунларда ёшларимиз, ҳар йилгидек, таътилни катта завқ билан кутиб туришибди. Кимдир саёҳатга чиқишни, кимдир спорт тўғрисида қатнашишни, яна кимдир китоб ўқиш, билим олишни режа қилган. Албатта, ҳар бир ота-она фарзандининг таътил даврида нафақат дам олиши, балки маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун ҳам имконият яратишни истади.



Шахноза ХАЛИЛОВА.

Айнан шуни инобатга олган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни турли фойдали фаолиятларга жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Йиғилишда барча ҳокимлар, таълим муассасалари ва мутасадди раҳбарларга таътил даврида барча мактаблар, ўқув хоналари ва спорт майдонларида тўғрақлар ташкил этиш вазифаси кўйилди. Ушбу тўғрақлар спорт, фан ва турли касбларга йўналтирилади. Айнан ўқувда қийналаётган мактабларда дарслар сифатини ошириш учун энг яхши мутахассислар жалб қилиниб, ҳафтасига 6 соатлик махсус курслар ташкил этилади.

Ёзи таътилда болаларнинг кўнглини кўтариш ва дунёқарашини бойитиш мақсадида 900 га яқин театр, маданият марказлари, концерт заллари, 1,5 минг спорт майдончаси, 200 та оромгоҳ, 2 мингдан ортиқ туризм объекти ёшлар ихтиёрига берилди. Жойлардаги амфитеатр ва сайилгоҳларда ҳар кун концертлар, маданият боғларида шеърят кечалари, санъат кўргазмалари, интеллектуал ўйинлар ташкил этилади. Пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон боғи”да эса ҳар кун очик осмон остида мусиқа кечалари ўтказилади.

Ёшларнинг фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, “Ибрат фарзандлари”, “Қизлар академияси”, “Мутолаа” каби маънавий-маърифий лойиҳалар орқали ёшлар оромгоҳларида қамраб олинди. 100 мингга яқин болалар учун мактабларда кундузги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди ҳамда “Заковат” мактаб лигаси ташкил этилиб, ақл ва зехн синовларида ўқувчилар ўз иқтидорини намояндалариди.

Технологияга қизиқувчи ёшлар эса “Рақамли авлод” лойиҳаси доирасида таълим олади. Бу орқали 50 мингдан ортиқ ёшга IT соҳаси бўйича билим берилди, киберспорт мусобақалари ўтказилади. Айниқса, “Рақамли авлод қизлари” лойиҳаси қизлар учун катта имконият бўлади. Фаол ва фидокор ёшлар бўлса, “Менинг маҳаллам — менинг фахрим” лойиҳаси асосида 100 минг нафар волонтер сафида маҳаллаларда ижтимоий ёрдам ишларига жалб этилади.

Шунингдек, ёз фаслида сузиш ва дам олиш учун барча суний ва табиий сув ҳавзаларидан фойдаланиш, шу билан бирга, ёшлар хавфсизлигини таъминлаш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Қўшимча тарзда “Ёшлар туризми ойлиги” доирасида 1 миллионга яқин ёшларга музейлар ва тарихий обидаларга саёҳатлар ташкил этилади. Бу ҳам таълим, ҳам тарбия нуқтани назардан жуда муҳим ташаббусдир.

Хулоса ўрнида айтганда, ёшларнинг ҳар бир кунини тўлдирилган, мазмунли ва фойдали ўтиши учун катта дастур ишлаб чиқилди. Бу жараёнда ота-оналар, маҳаллий кенгашлар, мактаб ва маҳалла масъуллари ҳам фаол иштирок этиши зарур. Ахир, келажакни қуриш — бугунги ёшларга қандай шароит яратиб беришимизга боғлиқ. Ёз — фақат дам олиш эмас, балки ривожланиш, ўсиш ва илгарилар учун имконият фаслидир!

МАНЗАРА

Ёшлар ташаббуси ҳар жойда ғолиб!



Маҳалламизда 740 нафар ёш истиқомат қилади. Улардан 77 нафарига деҳқончилик хўжалигидан ер ажратилган. Бугунги кунда улар ерда меҳнат қилиб, ҳалол даромад топишга ҳаракат қилмоқда.

Умид ЖАББОРОВ, Вобкент туманидаги “Сўфидеҳқон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Худуддаги 3,5 гектар ер майдонида 17 нафар ёш “Бир қонур — бир маҳсулот” тамойили асосида узум етиштириш билан машғул. Ўтган йили узум кўчатлари қадалди, симёғочлар қўйилиб, симлар тортилди. Узумлар ўсгач, уларни симларга боғлаб, боғ шаклига келтирилади. Узум оралиғига жўялар тортилиб, ловия, қовун-тарвуз экилмоқда. Бундан ташқари, ёшлар 2 гектар ерга гилоснинг ноёб навидан боғ барпо қилишга киришди. Хосил қикқач, уни экспорт қилиш режамиз бор.

Ёшларимиз нафақат ерда,

балки илмда ҳам ўсмоқда. Улар қанча ўқиса кам. “Ёшлиқда олинган илм — тошга ўйилган нақш”, дейишади. Шу мақсадда 550 миллион сўм маблағ эвазига замонавий кутубхона ташкил этилди. Кутубхона 5000 донга китоб учун мўлжалланган. Унда ёшлар нафақат китоб ўқийди, балки хорижий тилларни ўрганиш учун ўқув курсларига қатнашади.

Шунингдек, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида шахмат тўғрисидаги алоҳида хона ажратилган.

Илмга чанқок ёшларимиз бу имкониятларни қадрлаб, катта ютуқларга эришмоқда. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали 150 нафардан ортиқ ёш тил сертификатларига эга бўлишди. Шахмат бўйича “Беш ташаббус олимпиадаси”да ҳам фаол иштирок этишмоқда. Китобхоналик бўйича ўтган йили Севинчбону Тожиева туман босқичида

“Ёш китобхона” ҳамда “Ёш китобхона оила” танловларида фахрли ўринларни эгаллади. Бу эса бошқа ёшларга ҳам руҳият ва қизиқиш бахш этди.

Ёшлар ташаббуси билан ўтган йили “Ташаббуси бюджет” орқали 850 миллион сўм маблағ ютиб олинди ва минни футбол стадиони қурилди. Унинг ёнида волейбол ва баскетбол учун майдончалар барпо қилинди. Ҳозир эса воркаут майдончаси қуришни режалаштиряпмиз. Қизларимиз ДХХ кубоги учун ўтказилган минни футбол мусобақаларида муносиб иштирок этишди. Йигитларимиз катта футбол бўйича ҳам яхши натижалар кўрсатмоқда.

Ишсизлик масаласи ҳануз долзарб. Имкон қадар ёшларни хусусий сектор орқали иш билан таъминлашга ҳаракат қиламиз. Бироқ ойлик маош кўп ҳолларда харажатларини қопламайди. Шу боис кўпчилик ёшлар тадбиркорлик учун кредит олиш истагида бўлади.

Аммо кредит олган ёшлар учун бир муаммо мавжуд: кредит пуллари нақд шаклда берилмагани, махсулотлар таъ-

минотчилар орқали олиниши тўғрисида уларни 15 фоиз қим-матроққа сотиб олишга мажбур бўляпти. Таклифим шунки, кредитларнинг ҳеч бўлмаганда 25 миллион сўми нақд пул шаклида берилса, бу маблағни ёшлар тўғри ва самарали сарф-лай олишига ишонаман. Назоратини эса ҳоким ёрдамчиси ёки ёшлар етакчиси ўз қўлига олса, пул беҳуда кетмайди.

Яна бир масала: хорижий тилларни ўрганаётган ёшларимиз жорий йилда техникумни тугатади. Улар тил сертификатларини олиш арафасида туришибди. Аммо хорижага жўнатилиш масаласида ишончли фирмалар топиш, виза олишда муаммолар мавжуд. Сохта фирмалар кўпайиб кетгани учун кўпчилик чўчиб турибди. Аниқ иш ўринлари ҳақида ҳам етарли маълумот йўқ. Шунинг учун таклифим: ҳар бир вилоят ёки туманда хорижга ишга юборувчи фирмалар ҳақида ҳуқуқий маслаҳат ва йўналиш берадиган ваколатли ташкилотлар бўлса. Бу ёшларнинг ёлгон фирмалардан хабардор бўлишига ёрдам беради ва уларнинг ҳам умиди сўнмайди.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Туяқуш боқинг, харажати кам, даромади мўл



Касби туманидаги “Шакаржўй” маҳалласида истиқомат қилаётган Давронкул Ибодов тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз хонадонидан туяқушчилик билан шуғулланиб келмоқда.

Туяқуш — қони фойда жонивор ҳисобланади. 50 сантиметрли пати декоратив безак учун ишлатилади. Териси тимсоҳ териси каби сифатли, ташқи таъсирларга чидамли. Ундан пойабзал, сумка ва бошқа жиҳозлар тайёрланади. Танасидаги мойи орқиб қолдириш хусусиятига эга. У косметика махсулотлари тайёрлашда кенг қўлланилади.

— Ишни дастлаб тўрт бош туяқуш парваришидан бошладик, ҳозирда уларнинг сони 11 бошга етди, — дейди тадбиркор Давронкул Ибодов. — Туяқушларнинг маҳаллий шароитга мослашиши қийин кечмади. Яқин орада уларнинг сони 100 бошга етказиш, туяқушчилик тармоғини ривожлантириш ниятим бор.



Туяқуш гўшти витаминга бой, парҳезоб, иммунитетни мустаҳкамлайди. Таркибида холестерин микдори кам. Қорамолниқига қараганда тез пишайди.

Айтиш керакки, бир бош туяқуш рисоладагидек боқилса, 6-7 ойда гўштга тайёр бўлади. Ундан 35 килограмм лаҳм гўшт олиш мумкин. Ун ойда 70-80 кило тош босади. Хар бош туяқушдан йилига ўртача 80-100 та тухум олиши мумкин.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Нодир ИБРАГИМОВ. Ангор тумани:

— Менга тегишли бўлган ер участкаси ўзим билмаган ҳолда аукцион орқали сотилган экан. Бу ҳақда кеч билдим. Ҳозир нима қилишим мумкин? Қандай ҳуқуқларим бор?

“Мулким аукционга чиқарилган — нима қилишим керак?”

Анвар ТИЛОВОВ, Кадастр агентлиги Ангор тумани бўлими бошлиғи:

— Агар сизга тегишли бўлган мулк — ер участкаси ёки ундаги иншоотлар сиздан розилик олинмасдан ёки қонуний асоссиз аукционга чиқарилган бўлса, бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зиддир. Бундай ҳолатда сиз қуйидаги ҳуқуқий чораларни кўришингиз мумкин:

1. Мулк ҳуқуқингизни тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрланг: — ерни ёки бинони сотиб олганлик шартномаси; — Давлат рўйхатидан ўтган кадастр ҳужжатлари; — мулк ҳуқуқи гувоҳномаси.

2. Судга мурожаат қилинг: — аукционни ташкил этган органнинг ҳаракати қарши маъмурий судга даъво аризаси киритишингиз мумкин; — даъво мазмуни шундай бўлиши керак: “Фалончи давлат органнинг



ер участкаси ёки бинони аукционга чиқариш ҳақидаги ҳаракати (қарори)ни ҳақиқий эмас деб топиш”.

3. Қонунчилик асоси: — Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи дахлсиз бўлиб, шахс суд қарорисиз мулкдан маҳрум қилинмаслиги қарантиланган.

Эслатма: фақат аукцион баённомасини эмас, айнан аукционга чиқаришга асос бўлган маъмурий қарорнинг ўзини ҳақиқий эмас, деб топиш талаб қилинади.



Бешта вилоятда 320 та маҳаллага хизмат кўрсатувчи 100 та СУТ ЙИГИШ ПУНКТИ ташкил этилади.



Янги Тошкент худудининг 30 фоизини БОҒ ВА ХИЁБОНЛАР УЧУН ажратиш режалаштирилган.



Ноябрда Ўзбекистонда “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” иқтисодий форуми ва инвесторлар форуми бўлиб ўтади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

“Радар” йўл белгисининг ўрнатилиши мажбурий бўлади

Президентимиз топшириғига асосан, аҳолининг таклиф ва истакларини инобатга олган ҳолда, автомобиль йўлларида ҳаракатланиш тартибини янада такомиллаштириш, ҳайдовчиларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда уларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган Хукумат қарори қабул қилинди.

Карорга мувофиқ, жорий йил 1 июндан бошлаб, йўл чиқишларини босиб қоидабузарлик содир этиш ҳолатларини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этишга йўл қўйилмайдиган. Тўхташ чизиғи – “стоп-линия” (5.33 йўл белгиси) бундан мустасно. Яъни, ҳайдовчи чиқиш қилиш билан, бу қоидабузарлик фоторадар ёки видеокамера орқали қайд этилмайди, демек, автоматик равишда жарима ёзилмайди. Лекин ИПХ ходими томонидан аниқланганда, қоидабузарлик ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

1 июндан бошлаб, шаҳарлар автомобиль йўлларида таъмирлаш ёки йўл чиқишларини чиқиш билан боғлиқ ишларни соат 07:00 дан 21:00 га қадар амалга оширишга (дам олиш кунлари, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳолатлар бундан мустасно) йўл қўйилмайди. Таъмирлаш ва йўл чиқишларини янгилаш ишлари энди кундузи эмас, фақат кечаси – йўллардаги ҳаракат камайган вақтда амалга оширилади. Бу ўзгариш фуқароларнинг кундулик ишга бориш-келиш, фарзандини мактабга олиб бориш ёки шифохонага етиб олишни осонлаштириш билан бир қаторда, тирбандликлар юзага келишининг олдини олади. Шунингдек, жорий йил 1 сентябрдан бошлаб, ҳаракат тезлиги-

ни назорат қилишга мўлжалланган ҳар қандай турдаги стационар ва мобил радарлар жойлашган худудда ва унча камда 250 метрдан кам ҳамда 500 метрдан кўп бўлмаган худудда “Радар” йўл белгисининг ўрнатилиши мажбурий бўлади. Қарор имзоланган кундан бошлаб қатор енгилликлар жорий қилинади. Хусусан, соат 23:00 дан 06:00 га қадар йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат берилди. Автобуслар ҳаракати учун ажратилган, яъни “А” ҳарфли тасмаларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ҳозирда тақиқланган. Соат 23:00 дан бошлаб деярли барча автобус йўналишлари ўз ишчи тугатишини ҳисобга олиб ҳамда қўшимча қулайлик яратиш мақсадида бошқа транспорт воситаларининг тунги пайтда, соат 6:00 га қадар ушбу тасмаларда ҳаракатланиши мумкин бўлади ва бу қоидабузарлик ҳисобланмайди.



“Тўхташ тақиқланган” ва “Тўхтаб туриш тақиқланган” йўл белгиларининг мақсадга мувофиқ ўрнатилгани нуктаи назардан тўлиқ қайта кўриб чиқиши белгиланди. Қарор билан шу белгиларда кўрсатилган амал қилиш вақтидан ташқари пайтда транспорт воситаларининг тегишлича тўхташи ҳамда тўхтаб туришига

рухсат берилди. Масалан, “Тўхтаб туриш тақиқланган” белгисининг таъсир асосида қилиш вақти соат 7:00-21:00 деб кўрсатилган бўлса, транспорт воситалари ушбу белги худудида соат 21:00 дан 7:00 га қадар бемалол тўхтаб туришлари мумкин бўлади. Бугунги кунда йўллардан кесиб ўтувчи айрим темир йўл-

ларда ҳафта ёки кун давомида вагонлар ҳаракатланмаса-да, ҳайдовчилар белги олдида тўхташга мажбур ва натижада узун тирбандликлар юзага келмоқда. Шу муносабат билан қарор билан айрим темир йўл кесимларида “Стоп” белгилари бошқарилувчи сфетофорларга алмаштирилиши белгиланди. Соҳадаги муҳим янгиликлардан бири шундаки, Президентимиз топшириғига мувофиқ маъмурий жазолар тизимига янги – “маъмурий оғохлантириш” назарда тутовчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ айрим енгил турдаги ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахсларга ДПХ инспектори томонидан оғохлантириш берилди. Оғохлантириш бир йил ичида фақат бир мартаба берилиши мумкин.

Президент Матбуот хизмати ахбороти.

ИШЧИ ГУРУХ

ШОВОТДА ОЛМАЗОР ТАЖРИБАСИ ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА

Президентимизнинг жорий йил 14 февраль куни ёшлар билан видеоселектор шаклида ўтказган мулоқотида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Республика ишчи гуруҳи Хоразм вилояти худудларида ўрганиш ишларини олиб борапти.

Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Ўрганишлар давомида Шовот туманидаги ишсиз ёшларни ташкилот раҳбарларига бириктириш ҳамда жиноят содир этишга мойил ёшларни ҳуқуқ-тартибот органларига оталиққа бериш масалалари кўрилди. Шунингдек, маъмури раёхатда турувчи ёшлар ва ташкилот раҳбарлари билан ўтказилган учрашувлар, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи ва жиноят содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли иш ташкил қилиш ҳолатлари ўрганилди. Унда йўл қўйилган камчилик ва хатолар жойида таҳлил этилиб, қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ишчи гуруҳ вакиллари Шовот туманидаги ёш тадбиркор Зафарбек Курбоновга тегишли ўқув марказида яратилган шароитлар билан таништи. Марказда тумanning турли худудларидан келаётган ёшлар ҳорижий тилларга ўқитилади. Бу ерда нафақат билим бериш, балки ёш ўқитувчилар учун янги иш ўринлари яратишда ҳам яхши натижага эришилган.



Кейинги манзил тумандаги 8-умумтаълим мактаби бўлди. Сўнгги пайтларда робототехника соҳасини мактабларда жорий қилиш орқали соҳага қизиқишга эътибор ортди. Пировардида ўқувчи ёшлар мактаб давирданок соҳа сирларини ўзлаштириши, келгусида фан асосларини амалиётга жорий қилиш имкони яратилди. Ишчи гуруҳ аъзолари Олмазор тумани тажрибаси асосида қилинган ишлар, синф хоналарининг талаб даражасида таъминланганлик ва ўқувчиларга сифатли таълим берилиши ҳолатларини ўрганди. Шовот туманида қишлоқ ҳўжалигида экин ерларидан самарали фойдаланаётган ёшлар кўп. Шулардан бири – Машҳур Бекчанов. Ишчи гуруҳ аъзолари ажратилган экин ерлари, меҳнатқаш ёшларнинг деҳқончиликда олаётган даромадлари билан танишиб, мавжуд муаммо ва таклифларини тинглади. Худудларда қишлоқ ҳўжалигида қўшимча ерлардан унумли фойдаланиб, юқори даромад топаётган ёшларнинг иш тажрибалари оммалаштирилиши лозимлиги таъкидланди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда ёшлар масаласига катта эътибор қаратилган. Ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, тадбиркорлик ва бизнес соҳаларини қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва бошқа йўналишларда ўғил-қизлар доимий диққат марказида. Демак, қилинган ишлар самараси Республика ишчи гуруҳи томонидан назоратга олинди, ўрганиш ишлари давом этади.

ҲОЛАТ

Оила тинч-тотув бўлса, хотиржамлик ўшади



Ҳеч бир таълим-тарбия фарзандларнинг оилада бобо-бувию ота-оналаридан олган насиҳату ўғитчилик куч-қувватга эга эмас. Зеро, оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий кадриятлар ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб, тарбияловчи маскандир.

Рита САРМОНОВА, Нукус тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор.

Ана шундай масканларнинг аҳил-иноқлиги, тинч-тотувлиги ва фаровонлигини таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир. Мен ҳам ўз вазифаларимдан келиб чиқиб, Нукус туманидаги 13 минг 800 та оиладаги 26 минг-

дан ортиқ хотин-қизлар тақдирига масъулман. Шу боис 13 та маҳаллага бириктирилган 8 нафар хотин-қизлар фаоли ҳамда туман оила ва хотин-қизлар бўлими масъуллари билан ҳамкорликда ички ишлар бўлимида профилактик ҳисобда турган, муқаддам судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, нотинч оилалар, ажралиш ёқасидаги ва судларда низолашаётган оилалар, проба-ция ва бошқа қатор тоифадаги хотин-қизларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаб, муаммоларини ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

Ўрганишлардан маълум бўляптики, 14 та тоифага киритилган аёлларнинг асосий муаммоси – спиртли ичимлик истеъмоли оқибатида эрларидан руҳий, жисмоний, иқтисодий жиҳатдан жабр кўриши бўляпти. Шу боис жорий йил ана шундай низоли оилалардаги 53 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди. Уларга психологик, ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилиб, Республика аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказига жойлаштирилди. Барча зарур ёрдамлар кўрсатил-япти. Оила бошлиқлари билан алоҳида гаплашиб, ҳимоя ордери талабларини бузса, маъмурий жавобгарликка тортилишини тушунтиряпмиз.

Спиртли ичимлик истеъмоли қилиб, уйда тез-тез жанжал кўтарилган 6 та оилага Миллий гвардия ходимлари билан биргаликда “ташвиш тугма”лари ўрнатдик. Оила бекаси бирор тазйиққа учрайдиган бўлса, ушбу тугмани босиб, Миллий гвардия ходимларига тезкор хабар беришади. “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида ҳимоя ордери олган 41 та оила яраштирилиб, уларга психологик ёрдамлар кўрсатилди. Шўқрқи, ҳозир улар тинч-тотув яшапди. Шунингдек, қайнона, қайнопа ва келин ўртасидаги турли низолар ҳал этиляпти. Бу йил шундай оилаларнинг иккитаси яраштирилди.

Яқинда интернет ўйинларида ютказиб, уни тўлаш учун ўғрилиқ қилган бир аёл жазони ижро этиш муассасасидан қайтди. У кишини проба-ция ва “Аёллар дафтари”га рўйхатга қўйиб, компьютер саводхонлиги бўйича ўқитяпмиз, зарур ёрдамлар кўрсатилляпти. Ўқув-курсни тугатгач, иш билан таъминлаймиз.

Муқаддам судланган яна бир аёлнинг оилавий аҳволини ўрганиш давомида унинг ишсизлиги, бир нафар фарзандини боғчага беришда қийналаётгани ва ўзининг соғлигида муаммолар борлиги аниқланди. Шундан сўнг уни шифохонада белул даволаниш чоралари кўрилиб, фарзандини боғчага жойлаштирдик. Ўзининг соғлиги тикланган, тумандаги наркология шифохонасида доимий иш билан таъминланди. Ҳозирда юриш-туриши яхши, доимий назоратимизда.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун барча маҳалларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда профилактик тушунтириш ишлари олиб борилиб, аҳолига оила муқаддаслигини тушунтиряпмиз. Махсус видеороликлар намойиш этилиб, эслатма материаллари тарқатилляпти. Шунингдек, “Хавфсиз ва соғлом юрт”, “Турмуш” ва “Хотин-қизлар ўртасида ўғирлик жиноятининг олдини олиш” ойлари ўтказилляпти. Натижада жорий йилнинг ўтган давомида хотин-қизлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари бўлмади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ИССИҚ ҲАВОДА ҚЎШИМЧА ДАМ БЕРИЛАДИМИ?

Ботир ШОМИРЗАЕВ. Тошкент вилояти:

– Шу кунларда ҳаво анча иссиқ бўляпти. Шундай ҳолатда иш беришчи ходимларга қўшимча бир соат дам олишга рухсат бериши мумкинми?



Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

– Меҳнат қонунчилигида ҳаво ҳарорати мана бунча градусдан ошиб кетса ёки тушиб кетса, ходимлар учун мана бундай кафолат ва имтиёзлар бор, деган махсус қоидалар йўқ. Бу қоидалар иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижасида ёки ташкилотнинг меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Меҳнат кодексининг 13-моддасига кўра, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин. Демак, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда аномал об-ҳаво шароитларида (масалан, ўта иссиқ ёки ўта совуқ об-ҳаво) ходимлар учун алоҳида кафолатлар назарда тутилиши мумкин.



Афғонистон Ўзбекистонга Имом Бухорий мажмуасини безашда ишлатиш учун 16 та юк машинасида ҲИРОТ ОҚ МАРМАРИНИ совға қилди.



Ўзбекистонда чет элдан мутахассислар жалб қилиб, биноларни зилзилага бардошлилигини ўрганиш бўйича ЯНГИ АМАЛИЁТ йўлга қўйилади.



Хитой 1 июндан Ўзбекистон фуқаролари учун 30 КУНЛИК ВИЗАСИЗ РЕЖИМ жорий қилди.

НУРЛИ МАСКАН

Улкан орзулар сари дадил одимлар



Орзу — келажак сари интилиш учун қўш қанот демек. Улар ҳар қандай тўсиқ ва синовларга қарамай, инсонни юксак марраларга элтиши мумкин.

Элбек ШОЙИМКҮЛОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Бунга ёрқин мисоллардан бири Олмалик шаҳридаги 80-сонли қар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Севинч Раҳмоновадир. У истеъдодли ва мақсад сари қатъият билан интилаётган ёш ижодкор. Мактабни муваффақиятли тамомлагач, Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтига ўқишга киришни режалаштирган. Севинчнинг қалбида катта орзулар, санъатга бўлган муҳаббат ва ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш истаги чексиз. Яқинда у Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика миқёсидаги “Инсон учун” танловда муносиб иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди. Бу ғалаба Севинчнинг устози ва дўстлари учун ҳам катта фахр ва эътироф бўлди.

80-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўз фаолиятида нафақат сифатли таълим беришга, балки ҳар бир ўқувчининг шахсий ривожини, иқтидорини юзга чиқариш ва ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Бу масканда 161 нафар ўқувчи таҳсил олади. Улар учун ўндан ортиқ тўғарак фаолият юрилади. Санъат, спорт, хунармандчилик ва фан йўналишлари шулар жумласидан.

Мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Гулчехра Қодированинг сўзларига кўра, ўқувчиларга замонавий касб-хунарлар ҳам ўргатилмоқда. Бу эса уларга мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини беради.

Ушбу мактабда адаптив спорт ҳам яхши ривожланган. Ўқувчилар мини футбол, стол тенниси, волейбол каби спорт турлари бўйича шаҳар ва вилоят мусобақаларида фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритиб келишмоқда.

Бундан ташқари, ҳар йили икки маротаба ўтказиладиган ўқувчиларнинг ижодий ишлар кўргазмаси ҳар бир болага иқтидорини тўлиқ намойён этиш имконини беради.

Бу тадбирлар орқали ўқувчилар қўл меҳнати билан яратган санъат асарлари, амалий ишлар ва дизайн намуналари жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади. Кўргазмалар нафақат уларнинг меҳнатини эътироф этиш, балки келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олмалик шаҳридаги 80-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати нафақат таълим даргоҳи, балки умид, иқтидор ва инсоний юксалиш масканидир. Севинч Раҳмонова мисолида кўрганимиздек, катта орзулар сари интилган ҳар бир бола учун бу мактаб мустаҳкам таянч бўляпти. Таълим, спорт, ижод ва касб-хунар йўналишларида олиб борилаётган тизимли ишлар орқали ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари ортиб, мустақил ҳаётга тайёрланиш, ўз салоҳиятини намойён этиш имконияти яратилмоқда. Бу эса, албатта, ҳар бир болага ишонч, келажакга умид бахш этади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

- Ижтимоий ходим сифатида иш бошлашимдан аввал банк тизимида фаолият юритганман.
- У ерда ҳам халқ билан суҳбатдош бўлиб, қўлимиздан келганча ёрдам кўрсатганмиз.
- Лекин хонадонларга кириб бориш орқали ўзим учун кўп нарсаларни ўргандим.
- Эҳтиёжманд оилаларнинг қийинчилигига гувоҳ бўлиб, ногиронлиги бўлган кишиларнинг дардини тинглаб, аҳоли билан бир тану бир жонга айландик.



Ҳаёт учун ташланган қадам мустаҳкам ва барқарордир

Шаҳодат ТОШМИРЗАЕВА, Ангор туманидаги “Қўштегиримон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бугун маҳалла тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим шу тамойилни ўзига шиор қилиб олган. “Еттилик” қандай масала бўлишидан қатъи назар, бирга ҳаракат қиламиз. Бу камбағал оилаларни фаровонлик сари йўналтириш бўладими ёки имконияти чекланган кишиларнинг мушкулларини осон қилишми, ҳамisha бир-биримизни қўллаш орқали одамларга кўмаклашяпмиз.

Май ойи ҳолатига кўра, ҳудудимизда ногиронлиги бўлган фуқаролар 89 нафарни ташкил этади. Шундан 10 нафари балоғат ёшига етмаган болалар. Режамга бу фуқароларнинг ҳар бирига алоҳида хизмат кўрсатишни қатъий қиритиб қўйганман. Уларнинг кўзларидаги мунг ва тушқунликни кўриб, зиммамдаги масъулият қанчалик катта эканини ҳис қиламан. Кимгадир протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини тақдим қилиш орқали ижтимоийлашувини

Жорий йилда ногиронлиги бўлган фуқароларни бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Айниқса, ўз бизнесини очиш истагидогиларни қўллаб-қувватлаймиз.

таъминласак, бошқасига арава ва қўлтиқтаёқ беришнинг ўзи кифоф.

Оғир вазиятдаги аҳоли вакилларига розилиги асосида кейс очиб, барча керакли хизматлар кўрсатиляпти. Ҳатто таъйиққа ва зўравонликка учраган аёллардан сўраб ҳам ўтирмай, ишга киришамиз. Уни ночор аҳволда қолдирмаслик учун дарров психологнинг жалб қиламиз. Фарзандлари учун ўзини қўлга олиши кераклиги, олдинда ҳали ёруғ кўнлар кутаётганига ишонтираман.

Жорий йил бошидан буён 9 та кейс очилди. Хусусан, хатлов жараёнида Ўғилшод Қосимова хонадонига кирганимизда, 2 ёшли

ўғли онкологик касалликдан азият чекаётганидан хабар топдик. Оила кам таъминланганлар реестрига киритилиб, болалар нафақаси тайинланди. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Она қаттиқ руҳий тушқунликка тушиб қолгани, унга психологик хизмат кўрсатилди. Яна икки нафар фарзанди борлиги, улар учун ўзини қўлга олиши кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилдик. Болага ногиронлик белгиланди. Бир неча марта махсус муолажаларни қабул қилди. Тез орада жарроҳлик амалиётини ўтказиш назарда тутилган. Кейс ҳали якунига етмаган, хизмат

кўрсатиш давом этмоқда.

Айни вақтда маҳалламизнинг ҳар жабҳасида иш қизгин. Қўчалар асфалт қилиняпти, ариқларга бетон ётқизилляпти. Сув етиб бормаган хонадонларга оби-ҳаёт кириб борапти. Шунга мос равишда ижтимоий ҳимоя йўналишида ҳам ишохотлар давом этапти.

Жумладан, юра олмайдиган бир фуқарони қосиблик йўналишида ўқитмоқчимиз. Шундан сўнг унга алоҳида бинода фаолиятини йўлга қўйишига шароит яратиб беришни режалаштирганмиз. Келгусида унга камбағал оила фарзандларини бириктириб, хунар ўрганишига кўмаклашамиз.



ЯНГИЛИК

“Фаол ҳаётга қадам”

- “Ўзгалар парваршига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2025 йил 1 июндан ўзгалар парваршига муҳтож вояга етган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилади.



Дастур доирасида қуйидаги 5 турдаги янги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилади:

- ✓ уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати;
- ✓ уй шароитида қараб туриш хизмати;
- ✓ тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати;
- ✓ кундузги катнов асосида қараб туриш хизмати;
- ✓ шахсий ёрдамчи хизмати.

Дастур доирасидаги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларининг бир қисми ваучер асосида қоплаб берилади.

Ваучер қиймати ҳукумат томонидан белгиланган миқдорда субсидия шаклида тўланади. Ваучер бериш ва унинг қийматини тўлаш “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги “Оила ҳамқори” платформаси орқали амалга оширилади.

ЛОЙИҲА

Ҳеч ким тўхтаб қолгани йўқ, ҳаммамиз ҳаракатда!

- Ижтимоий ҳимоя тизимида янги ёндашув — муҳтож фуқароларга нафақат ёрдам кўрсатиш, балки уларни оғир вазиятдан чиқариб, ўз ҳаётини мустақил юрита оладиган даражага етказиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бухоро туманининг “Саховат” маҳалласида бу ёндашув амалиётда ўз натижасини бера бошлаган.

Маҳалла ижтимоий ходими Фируза Ҳасанова ташаббуси билан эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларига амалий ечим топиш мақсадида бир қатор ижтимоий хизматлар кўрсатилиб, мини лойиҳалар йўлга қўйилган. Ана шундай лойиҳалардан бири Зарина Сафарова ҳаётида янги бурилиш ясади.

Икки нафар вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган Заринага “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Аммо бу кўмак фақат вақтинча кўмак эмас, балки мустақил ҳаёт сари ташланган илк қадам бўлди.

Зарина маҳалла яратиб берган имкониятлар асосида сомса хамирини тайёрлаб, туман марказидаги ошхоналарга етказиб бериш фаолиятини бошлади. Ҳозирда у учта ошхона билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб, ҳар куни 12 турдаги хамир маҳсулотлари тайёрламоқда.

Яна бир ижобий жиҳати шундаки, Зарина ўз ёнига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган эҳтиёжманд аёллардан бирини олиб, уни ҳам иш билан таъминлаган. Бу эса лойиҳанинг кўламини кенгайтириш, бошқа аёлларни ҳам қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.



Зарина келгусида ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, яна 5 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашни режалаштирган. Шу мақсадда унга маҳалла биносидаги бўш хона тақлиф қилиниб, у ерда фаолиятини кенгайтириши учун шароит яратилиши устида ишланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.



Давлат ва хусусий боғча тарбиячиларининг малакаси ошириш учун КАСБИЙ СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИМИ жорий этилади.



Ўзбекистонда биринчи марта РОБОТ ЁРДАМИДА бош мия биопсияси бажарилди.



2025 йилнинг биринчи чорағида аҳолига қарийб ЕТТИ ЯРИМ МИЛЛИАРД сўмлик дори воситалари бепул берилди.

ТАҲЛИЛ

Оила бағридалиги боланинг бахти бўлар...

Оила — бола тарбияси учун энг муҳим маскан. Ҳар бир гўдак ота-онаси, яқин қариндошларининг меҳри ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб, оилавий муҳитда тарбияланиш ҳуқуқига эга. Шу маънода сўнгги йилларда давлатимиз бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида изчил ислохотларни амалга ошириб келмоқда.

Фарҳод КОМИЛОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Мамлакатимиздаги интернет типидagi муассасаларни ноинституционаллаштириш жараёнидаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, болани оилага тарбияга олиш истагида бўлган туртинган ота-оналар ривожланишида нуқсон бўлган болаларни оиласига қабул қилишни истамайди.

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Фарҳод Комиловнинг таъкидлашича, оила — бола тарбияси учун энг муҳим маскан. Ҳар бир гўдак ота-онаси, яқин қариндошларининг меҳри ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб, оилавий муҳитда тарбияланиш ҳуқуқига эга. Шу маънода сўнгги йилларда давлатимиз бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида изчил ислохотларни амалга ошириб келмоқда.

да тарбияланиш имконияти яратилди. Ушбу кичик ҳажмли болалар уйи (Small Group Home) модели ривожланган давлатларда узоқ вақт самарали қўлланган. Жорий йил агентлик ишчи гуруҳининг Грузия давлатига хизмат сафари амалга оширилди. Унда, асосан, Тбилиси шаҳридаги кичик ҳажмли болалар уйи фаолияти ўрганилди ва тажриба алмашилди. Бугунги кунда Грузияда 37 та шу турдаги болалар уйлари фаолият олиб бормоқда. Кичик ҳажмли болалар уйида тарбияланувчилар сони кўпи билан 9-10 нафар бўлиб, кун давомида тарбиячилар улар билан бирга бўлишади. Бу ерда ҳар бир болага индивидуал ёндашиш ҳамда меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш билан бирга, оила муҳитида улғайиш ва оилавий қадриятлар асосида тарбияланиш имконияти яратилмоқда. Улар турли тадбирларда қатнашади, биргаликда бозорга бориб кунлик эҳтиёжлар учун зарур озиқ-овқат ва бошқа



200-250 нафар тарбияланувчиси бўлган Меҳрибонлик ва Мурувват интернет уйларида болалар учун энг яхши шароитлар яратилган бўлса-да, ҳар бир болага алоҳида ёндашиш имкони йўқ.



нарсаларни харид қилишади, мустақил қарор қабул қилиш ҳамда турли оилавий байрамларни нишонлашни ўрганади. Шунингдек, бола тақдирига дахлдор қарорлар қабул қилинишида иштирок этади,

улар ижтимоий ва ҳаётий кўникмаларга эга бўлади. Бу эса тўлиқ оилада яшаш имкониятига эга бўлмаган болаларнинг мустақил ҳаёт ва жамиятга қийинчиликсиз мослашиш имкониятини оширади.

Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида босқичма-босқич кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этиш ишларини давом эттирмоқда.

ҚОНУНЧИЛИК

Болалар ҳимояси янада кучаяди

Жорий йил 15 майдан бошлаб, "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Мазкур ҳужжат болаларни ҳар қандай шаклдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий асосдир.



Янги қонунга қўра, эндиликда, ўз болаларига нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклига йўл қўйган ота-оналарга жавобгарлик чоралари қўлланилади, зўравонлик даражаси аниқланган, энг охириги чора сифатида, ҳатто бола улардан олиб қўйилиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга:

- зўравонлик фақат жисмоний, жинсий ва руҳий эмас, балки болага ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация ва бошқа шакллари ҳам ўз ичига олади;
- болаларга ҳимоя ордери берилди;
- болаларга зўравонлик ҳаракатларини содир этган педагог ёки тарбиячининг телусида ушбу ва бошқа маълумат муассасаларида фаолият юритишига чеклов қўйлади.

Бундан ташқари, болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликнинг олдини олишда мутасадди идоралар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг махсус фаолият тизими белгилаб берилди.

МАНЗАРА



БЕКОРЧИЛИК — БЕҲУДА УМР, ЭНГ ЁМОНИ, МОЖАРОЛАР МАКОНИДИР

Ҳудудимиз саноат зонаси ҳисоблангани учун кўпчилик опа-сингилларимиз завод ва фабрикаларда фаолият юритишади. Бундан ташқари, аҳоли томорқалари катта бўлгани сабабли деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик йўналишларида банд бўлган аҳоли вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Аёлларимиз жуда тиришқоқ бўлгани учун бу машғулотлардан ташқари, қўшимча равишда касб-хунар ўрганишга иштиёқ банд. "Еттилик" вакиллари эса уларни қўллаб-қувватлашдан сира чарчамаймиз.

Гулноза МАМАЖОНОВА,
Қувасой шаҳридаги "Кўкилон" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.
"Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони соҳибаси.

Дилноза Акбарова аввалига оиласи билан хоризжда ишлаш учун кетган эди. Маълум муддатдан кейин юртимизга қайтиб келиб, тадбиркорлик қилиш истагини билдирди. Унга кўмак бериш мақсадида маҳалла тавсияси билан 60 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратди. Маблағ эвазига хонадонда хусусий болалар боғчаси ташкил этди. Айни вақтда 6 нафар аёлнинг доимий бандлигини таъминлаб, 70 нафар боланинг муносиб таълим-тарбия олишига ўз хиссасини қўшиб келяпти.



Тадбиркор аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилган. Қўшимча икки қаватли бино қуриб, мактабгача таълим қамровини янада ошириш ниятда.

Шу каби тадбиркор аёллар сафини янада кенгайтириш мақсадида узлуқсиз равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Онлайн тарзда очилган гуруҳларга ҳар хил тарқатма материаллар юборилади. Моно-марказда фаолият юритаётган курслар ҳақида батафсил маълумот берамиз. Қолаверса, ёнимизга бирор масалада кўмак сўраб келган хотин-қизлар билан қизиқишлари ва орзулари ҳақида гаплашамиз. Хонадонларга кирганда, имкониятларини ўрганамиз. Шу асосида керакли тавсия ва йўл-йўриқлар кўрсатамиз. Қилинган ҳар бир ҳаракат ўз натижасини кўрсатмай қолмайди. Буни кундан-кунга аҳоли вакиллари кувонарли натижаларга эришаётганида яққол кўриш мумкин.

Ойнура Валиева 2022 йилдан бери маҳалламиздаги хотин-қизларга тикувчиликдан сабоқ бериб келяпти. Ҳар йили 10 нафардан опа-сингилларимизга тахсил бериб, чеварчиликнинг нозик сир-асрорларини ўргатиб, сира чарчамаяпти. Кувонарли жиҳати шундаки, бу опанинг қўлида тахсил олиб чиққан ҳар бир қиз кейинчалик мустақил тарзда ўз йўлини топа оляпти. Дастурхон, ётоқ тўпламлари, миллий либослар тикиш бўйича барчаси мактовга тазо. Уларга ҳоким

ёрдამчиси билан ҳамкорликда субсидия асосида тикув машиналари тақдим этиляпти, имтиёзли кредитлар ажратилапти.

Жорий йилда "Аёллар дафтари"га 129 нафар аёл киритилган бўлиб, улар орасида ишсизлар 89 нафарни ташкил этади. Шу кунгача 43 нафарини расман банд қилишга эришдик. Хусусан, 14 нафарини шароити ва қизиқишидан келиб чиқиб, чорвачиликка йўналтирдик. Энди улар томорқадан унумли фойдаланиб, боғдорчилик билан шуғулланишдан ташқари, қорамол боқиш орқали ҳам яшигини даромад топишляпти.

Уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўргатар эканман, кўп ҳолатларда можаро ва келишмовчиликларнинг бош сабаби бекорчилик эканига гувоҳ бўламан. Агар одам бирор фойдали меҳнат билан банд бўлса, рўзғорига барака қиради. Вақтини мазмунли ўтказишдан ташқари, оила аъзоларининг эҳтиёжлари учун маблағ ишлаб топади. Қараб-сизки, ортиқча гап-сўзга хожат қолмайди. Шу ҳақиқатни теран англаб етган ҳолда диққат-эҳтиборимизни маҳалламизга қаратиб бандлигини таъминлашга қаратиб келямиз. Мазкур йўналишда эришилган кичик натижа ҳам жамиятнинг қайсидаги жабҳасини ривожлантиришга хисса қўшади.

КЎРСАТКИЧ

ТАЪЛИМ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ



Жорий йилда хотин-қизлар йўналишида 4 та мақсадли кўрсаткичга эришиш режалари белгиланган:

- 2 млн. нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш;
- 250 минг нафар хотин-қизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш;
- 250 минг нафар хотин-қизни олий таълим билан қамраб олиш;
- 50 минг нафар эҳтиёжманд аёлни санаторийларда соғломлаштириш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича семинарлар ташкил этиш белгиланган.



"IT", хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишлар бўйича ташкил этилган ўқувларга 47 нафар тадбиркор жалб этилди. Тадбир якунида 147 нафар хотин-қизнинг бизнес лойиҳалари учун 4 млрд. 704 млн. сўм имтиёзли кредит маблағларини ажратилиши бўйича шартномалар имзоланди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси маъбуот хизмати.



Оғир атлетикачи **АКБАР ЖЎРАЕВ** Хитойдаги Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди.



Пойтахтимизда синхрон сузиш бўйича “СУВ ПАРИСИ” I Марказий Осиё очик чемпионати бошланди.



Пара дзюдочиларимиз **ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ**да иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!



БАДАНТАРБИЯ

Кўпчилик ота-оналар бола спорт билан шуғулланишни қанчалик эрта бошласа, муваффақиятларга шунчалик осон эришади, деб ўйлайди. Шу туфайли фарзандларини 2,5 ёшлигидаёқ гимнастикага ёки 3 ёшлигидаёқ теннисга бермоқчи бўлади.

БОЛАНИ НЕЧА ЁШДА СПОРТ ТЎГАРАГИГА БЕРИШ МУМКИН?

Камолитдин ЭРҒАШЕВ, жисмоний тарбия ва соғлом турмуш услуби бўйича мураббий.

Мутахассис шифокорларнинг сўзларига кўра, уч ёшар болани спортнинг қандайдир жиддий турига бериш керак эмас. Умуман, масалан, уч ёшли болани дзюдо тўғарагига берсангиз, у ерда унга жанг асосларини ўргатишмайди, балки уни умумий жисмоний тайёргарликка йўналтиришади. Жисмоний тайёргарлик эса ҳар қандай ёшдаги бола учун ортиқчалик қилмайди.

Болани ўзининг ёшига мос спорт турига бериш лозим. Бундан ташқари, спорт туридан қатъи назар, бола спорт шифокори назоратидан ўтиши керак, бусиз спорт болага зиён етказиши мумкин.

Баъзи касалликларда катта спорт бола учун тақиқ остида бўлади. Масалан, қандли диабетга чалинган болаларга фақат даволаш жисмоний тарбияси рухсат этилади. Бу юрак фаолияти издан чиққан бемор болаларга ҳам тегишлидир.

Бундан ташқари, кўриш қобилияти паст бўлган болаларга ҳоккей, футбол, баскетбол, волейбол, шунингдек яккакураш турлари тавсия этилмайди. Бола сурункали тонзиллит, синусит, гайморит, нафас йўллари касалликлари билан оғриган бўлса, спортнинг “совуқ” турлари — чанги, коньки, сузиш билан шуғулланиш тақиқланади. Умуртқа поғонасида муаммоси бўлган болаларга енгил атлетика, теннис, бадминтон ва велоспорт спорти билан шуғулланиш маслаҳат берилмайди.



Эрта ёшда кўп машқ қилиш болалар учун хавфли эмасми?

Хўш, болани қайси ёшда қандай спорт турига қатнаштириш мумкин?

2–3 ёшда сузишга берган маъқул. Чунки жисмоний юкка сувда бардош бериш осон, бундай ёшда эса танани қийнаб юбориш керак эмас.

4 ёшда спорт рақслари, ушу ва гимнастикага беринг. Спорт рақслари болани қайишқоқ қилади ва бошқа спорт турларини бошлаш учун яхши асос ҳозирлайди. Гимнастикада эса болалар ўз харақатларини уйғунлаштиришни ўрганади.

4–5 ёшда чанги ва фигурали учиги бериш мумкин. Негаки, чанги спорти оёқ, корин, бел мушакларини мустаҳкамлаб, болани абжир қилади.

5 ёшда каратэга борса бўлади. Чунки каратэ машғулотларида болалар диққатни жамлаш, ўз энергиясини зарур оқимга йўналтиришга ўрганади.

6–7 ёшда ҳоккей спорт тўғарагига беринг. Агар бола озгин ва заифроқ бўлса, уни спортнинг бу турига сал кечроқ берган маъқул. Чунки бу спортда тақиладиган анжомлар анча оғир бўлади. Ҳоккей билан шуғулланишни бошлашга эса у кучли ва бардошли бўлади.

7 ёшда бадминтон спортга берган маъқул. Чунки бу ёшда болани теннисга бериш ярамайди. Аввал бадминтон билан шуғулланса, унинг бели қотди. Тезкорлиги ошади. Бир йилдан сўнг эса теннисни бошлашга бўлади.

ТАВСИЯ

СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИНГ 10 ТА ФОЙДАСИ



✓ **Табиат билан ҳамнафас бўласиз!** Очик ҳавода спорт машғулоти билан шуғуллансангиз, кўнглингиз хотиржам тортади.

✓ **Ортиқча вазндан халос бўласиз!** Ҳар кун 20 дақиқа спорт машқлари бажарсангиз ва овқатланиш қоидаларига тўғри риоя қилсангиз, 1 ойда ортиқча вазндан анча халос бўласиз.

✓ **Ширин уйқу!** Жисмоний машқлар, табиийки, сизни чарчатди. Натижада безовталикларсиз, тинч ором оласиз. Ва эрталаб уйқуга тўйиб уйғонасиз.

✓ **Организмингиз тозаланади!** Тўғри бажарилган жисмоний тарбия ва парҳез танани тикинлардан тозалайди.

✓ **Куч-қувватга тўласиз!** Ҳар қандай спорт тури сизга куч, энергия бағишлайди.

✓ **Юрак хасталикларига чалинмайсиз!** Айнакса, велоспорт билан шуғуллансангиз.

✓ **Тушқунлик чекинади!** Муаммоларни унутишга, тушқунликдан халос бўлишга ёрдам беради.

✓ **Иммунитетингиз ошади!** Тоза ҳавода бажарилган машқлар иммунитетингизни кўтариб, турли касалликлардан сизни ҳимоялайди.

✓ **Дўстларингиз кўпаяди!** Ҳа, бирор спорт машғулотида қатнашсангиз ёки ҳеч бўлмаса, эрталаблари югурсангиз, янги танишлар ортирадиз.

✓ **Қадди-қоматингиз чиройли ва соғлом бўлади!** Сузиш, гимнастика, шар билан машқлар бажариш натижасида гавдангизни тик тутасиз, умуртқангиз соғлом бўлади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Иссиқ кунларда қандай таомланиш зарур?

Жазирамада тананинг ўта исиб кетишининг олдини олиш учун таомларни эътибор билан танлашимиз жуда муҳим. Шунингдек, нафақат суюқликни кўпроқ ичиш, балки бунда ҳам тўғри танлов қилиш аҳамиятлидир.

Абдуқаном ТЎХТАҚУЛОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Экологик дипломатия бўлими бошлиғи.

Ҳаво ўта иссиқ бўлган кунлари тана сувсизланишининг олдини олиш учун кун давомида, ҳатто чанқоқни ҳам қилмасангиз ҳам, етарли миқдорда суюқлик ичиш муҳим. Умумий тавсияларга кўра, кунига 2,5–3 литр суюқлик ичиш керак, бироқ жисмоний фаолият ва ҳаво ҳароратига қараб бу миқдор ошиши мумкин. Кўчага чиқканда доимо ўзингиз билан сув олиб юришингиз лозим.

Оддий тоза сув — энг яхши ичимлик ҳисобланади. Муздак сув ўрнига хона ҳа-

ратаридаги ёки бироз салқин сувни ичиш афзалроқдир. 36–37 даражали сув танада метаболизм ва ичак фаолиятини яхшилайди.

Шакарсиз кўк чой чанқоқни бошқа ичимликларга қараганда яхшироқ босади. Шунингдек, гиёҳли чойлар (ялпиз, мойчечак), нордон мевалардан (олча, олма, қорағат, қлюква) тайёрланган шакарсиз компотлар (морс), айрон, кефир ва лимон қўшилган сув ҳам фойдалидир. Бу ичимликлар танани минерал моддалар ва витаминлар билан таъминлайди.

Таркибида сув миқдори юқори бўлган маҳсулотлар, масалан, бодринг, тарвуз, қовун гидратацияга ҳисса қўшади. Сут таркибидаги электролитлар туфайли фойдали бўлиши мумкин.

Аmmo жазирамада баъзи ичимликларни истеъмол қилишдан сақланиш лозим, чунки улар нафақат чанқоқни босмайди, балки сувсизланишни кучайтириши ҳам мумкин.

Буларга: — таркибида шакар миқдори юқори бўлган, газланган ичимликлар, қаддоқланган шарбатлар; — алкоғолли ичимликлар;



— кофеин миқдори юқори бўлган ичимликлар (кофе, баъзи чой турлари, энергетик ичимликлар);

— ўта совуқ (муздак) ичимликлар кирари.

Бундан ташқари, иссиқ кунларда енгил ҳазм бўладиган таомларни кичикроқ миқдорларда ва тез-тез истеъмол қилиш тавсия этилади. Таркибида сув миқ-

дори юқори бўлган мева ва сабзавотларга (тарвуз, қовун, бодринг, селдерей) кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Салатлар, қатқил таомлар (масалан, окрошка) ва совуқ шўрвалар каби салқин таомлар ҳам фойдалидир. Терлаш орқали йўқотилган тузининг ўрнини босиш учун бироз тузли таомлар истеъмол қилиш мақсадга муво-

фик. Лекин қайта ишланган ва ўта шўр маҳсулотлардан сақланиш керак.

Овқат ҳазм қилиш жараёнининг ўзи танада иссиқлик ишлаб чиқаради. Шу сабабли, жазирамада ҳазм бўлиши қийин бўлган оғир таомлардан сақланиш тананинг ички ҳароратини паст ҳолда сақлашга ёрдам беради.

Оғир, ёғли ва оқсилга бой таомлар (айниқса қизил гўшт) ни чеклаш тавсия этилади, чунки уларни ҳазм қилиш кўпроқ метаболик иссиқлик ишлаб чиқаради. Балиқ ва сабзавотли оқсиллар енгилроқ вариант ҳисобланади.

Ширинликлар ва хамирли овқатлар ҳолсизлик ва чанқоқ ҳиссини кучайтириши мумкин. Чанқатадиган маҳсулотлар, масалан, ўта шўр ёки дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотлари, консервалар истеъмолни камайитириш керак.

Гарчи баъзи манбалар аччиқ овқат терлашни кучайтириб, совушга ёрдам беришини таъкидласа-да, бундай таомлар тана ҳароратини ошириши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам кам эмас. Бу борада меъри билиш ва индивидуал реакцияни ҳисобга олиш муҳим.

ҲИДОЯТ САРИ

Илҳом МАТРАСУЛОВ. Қашқадарё вилояти:

— Қурбонлик учун қўй сотиб олинганидан сўнг унга қурбонликка сўйиш жоиз бўлмайдиган даражада бирор айб етадиган бўлса, нима қилинади?

ҚУРБОНЛИККА ОЛИНГАН ҚЎЙ НУҚСОНЛИ БЎЛСА...

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Бу саволнинг жавоби шахнинг бой ёки камбағал эканига қараб аниқ бўлади. Агар бой киши сотиб олган қўй айбдор бўлиб қолса, ўрнига қурбонликка ярайдиган бошқа қўй сўяди.

Агар камбағал киши сотиб олган қўй айбли бўлиб қолса, шу кўйнинг ўзини сўяверади, ўрнига бошқа қўй сўйиши лозим бўлмайди.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, бой деганда, аслий ҳолатларидан ташқари, закот нисоби (85 грамм тилла ёки унинг қиймати)га эга бўлган киши тушунилади. Камбағал эса закот нисобига эга бўлмаган кишидир.